

## АВТОМАКТАБЛАРДА ҲАЙДОВЧИ-ЙЎРИҚЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

**Иброҳимов Иброҳим Баходирович**

ibrohimovibo47gmail.com

ИИБ Академияси, Автомобиль тайёргарлиги кафедраси ўқитувчиси.

Тел. 91 925 47 47

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7574910>

**Аннотация.** Ушбу мақолада мамлакатимизда малакали ҳайдовчиларни тайёрлашга ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилаётган чора тадбирлар, ҳайдовчиларга қўйиладиган талаблар, ўқитувчи ва ҳайдовчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш йўллари ва шароитлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** ҳайдовчи, автомактаб, ўқитувчи, янгича ёндашув, малака ошириш.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М. Мирзиёев ташаббуслари билан сўнги йилларда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган ва мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 4 апрелдаги ПҚ-190-сон қарори қабул қилиниб, қуйидагилар мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий долзарб йўналишлари этиб белгиланди. Автомобиль йўллари инфратузилмасини такомиллаштириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, йўл ҳаракати иштирокчиларининг “пиёда – жамоат транспорти – велотранспорт – автотранспорт” устуворлиги асосида хавфсиз ҳаракатланиши учун ишончли шарт-шароитлар яратиш;



**1-Расм. Автомобилларнинг чорраҳада ҳаракатланиши.**

Жумладан, республикада йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, транспортни бошқариш ва автомобиль йўлларининг пиёдалар ўтиш жойларида уларнинг ўзини тутиш маданиятини ошириш соҳасида ҳам кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, йўл ҳаракати хавфсизлигини ишончли таъминлаш соҳасида комплекс ташкилий-амалий чора-тадбирлар амалга оширилган ҳолда салмоқли ишлар қилинди, лекин шунга қарамасдан мамлакатимизда 2021 йилда 10 001 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, уларда 2 426 нафар одам вафот этган ва 9 230 нафари турли ҳил тан жароҳат олган, яъни ўлимга олиб келган йўл-транспорт ҳодисаларининг сони ҳали ҳам анча юқори бўлиб қолмоқда ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишимиз зарур. Автомактабларда ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчиларнинг касбий компетентлигини миллий қадриятлар асосида ривожлантириш, технологик, муҳандислик, тадқиқот, ташкилий бошқарув ва ишлаб иқариш ҳамда касбий компетенцияларининг методологик жихатларини такомиллаштириш, ватанпарварлик руҳида уларни тайёрлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилган. Автомактабларда ўқитувчи ва ҳайдовчи-йўриқчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш интерфаол таълимни медиатеологиялар асосида ташкил этиш, илғор педагогик технологиялар асосида модернизациялаш, ўқув жараёнига замонавий педагогик технологияларни татбиқ қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимига инновацион педагогик технологияларни жорий қилган ҳолда, ўқув жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишига алоҳида эътибор қаратилиши ҳам бежиз эмас, чунки ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидалари бўйича билимларни мукамал эгаллаши ҳамда амалиётда тўғри қўллаши йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омили ҳисобланади.

Бунда ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар алоҳида ўрин тутди. Минг афсуски, шу кунгача ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолияти амалга ошириш бўйича лицензия шартларида ўқув ташкилотларига қўйиладиган талаблар аниқ белгиланмаган, мавжуд шартларнинг бажарилишини назорат қилиш тизими эса талаб даражасида бўлмаган. [1]

Эндиликда, қарорга мувофиқ ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолиятини амалга оширувчи барча таълим муассасалари ва имтиҳон марказларига фаолиятни амалга ошириш учун лицензия Ички ишлар вазирлиги томонидан берилиши белгиланиб, автомактаблар ва имтиҳон марказларига қўйиладиган талаб ва мезонларни қайта кўриб чиқилиб, уларнинг ўқув фаолияти сифатини оширишга қаратилган қатъий чораларни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳаси тайёрланади ҳамда Ички ишлар вазирлиги Академиясида автомактабларнинг ўқитувчи ва ҳайдовчи-инструкторларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларини ташкил этиш билан боғлиқ барча зарур ўқув-услугий ва моддий-техник база яратилиб, таълим сифати оширилиши кутилмоқда.



**2-расм. Автомобиль ҳайдовчисининг автотранспорт воситасини бошқариш маданияти.**

Қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги Академиясида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, автомактабларнинг ўқитувчи ҳамда ҳайдовчи-инструкторларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ушбу соҳадаги умумий фаолиятни мувофиқлаштириш мақсадида Ички ишлар вазирлиги Академияси таркибида “Автомактаблар ўқитувчи ва ҳайдовчи-инструкторларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази”ни ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Ушбу марказ олдида қуйидаги асосий ташкилий вазифалар белгиланиши назарда тутилмоқда:

– ўқув жараёнини самарали ташкил этиш учун республикамизнинг етакчи олий таълим муассасалари ва соҳавий ташкилотлардан педагогика, психология, автотранспорт, тиббиёт, ахборот-коммуникация соҳалари бўйича юқори малакали, салоҳиятли ва тажрибали профессор-ўқитувчиларни шартнома асосида жалб қилиш;

– илғор ҳорижий тажрибаларни доимий ўрганиб бориш ва ўқув жараёнига татбиқ этиш;

– ўқитиладиган фанлар бўйича дастур, ўқув режалари ва бошқа ўқув-методик ҳужжатларни замонавий инновацион педагогик технологиялар асосида ишлаб чиқиш ва тизимли янгилаб бориш;

– Академия ҳудудида ҳамда вилоятларда ташкил этиладиган ўқув йиғинларида ўқув жараёни назорати ва мониторингини олиб бориш.

Бугунги кунда Ички ишлар вазирлиги Академиясида автомактабларнинг ўқув методологияси, ўқув дастурлари, шунингдек ўқитувчи ва инструкторларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш учун республикамизнинг ушбу соҳада етакчи вазирлик, ташкилот ва таълим муассасаларидан (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, ИИБ Жамоат

хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ, Тошкент давлат транспорт университети, Транспорт вазирлиги Автомобиль транспорти кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти, Ўзбекистон Республикаси муҳофафасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти, “Transkasb” корхоналар уюшмаси, Жамоат хавфсизлиги университети) малакали мутахассисларини жалб қилган ҳолда ишчи гуруҳ ташкил этилиб, барча тоифалар бўйича ҳайдовчиларни тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида ўқув режаларидаги умумий ўқув юкларлари ҳажми назарий таълим мазмунини бойитишга йўналтирилган ҳолда кўпайтирилиб, ўқув дастурлари замон талаблари асосида қайта ишлаб чиқилмоқда. Талаблар аниқ белгиланмаганлиги оқибатида 2015-2021 йиллар давомида автомактабларнинг сони 754 тадан 1 348 тага (594 тага) кўпайган, Республикадаги жами автомактаблардаги 11 860 та ўқув-машқ автомобилларининг 6 961 таси (58,6 фоизи) ўзларига тегишли бўлса, 4 899 таси (41,4 фоизи) ижара шартномаси асосида фойдаланиб келинган.

Республика бўйича мавжуд 1 348 та автомактабларининг бор-йўғи 71 тасида (5,3 фоизи) ўз ўқув автодроми мавжуд, 1 277 тасида (94,7 фоизи) бундай автодромлар умуман мавжуд эмас, ўқув машқлари махсус анжомлар билан жихозланмаган очиқ майдонларда ёки автотураргоҳларда олиб борилмоқда.

Ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнида таълим олувчиларнинг назарий билимларини ошириш ҳамда автотранспорт воситаларини амалий бошқаришга доир етарли амалий кўникмаларни шакллантириш мақсадида ўқув дастурларида ўқув курсларининг назарий таълим ва амалий бошқарув соатлари ҳажми оширилиши режалаштирилган.

Шунингдек, ишчи гуруҳ томонидан автототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасалари ўқитувчиларини қайта тайёрлаш бўйича 72 соатга ва уларнинг малакасини ошириш бўйича 144 соатга мўлжалланган ҳамда автототранспорт воситаларини бошқаришни ўргатиш услуби юзасидан ҳайдовчи-йўриқчиларни қайта тайёрлаш бўйича 72 соатга ва малакасини ошириш бўйича 90 соатга мўлжалланган ўқув курсларининг ўқув дастурлари ишлаб чиқилмоқда.

Мазкур ўқув дастурларда қуйидаги йўналишдаги мавзуларга алоҳида эътибор қаратилмоқда: йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар; йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик; замонавий инновацион педагогик технология ва интерфаол усулларини қўллаш орқали ўқитиш самарадорлигини ошириш; йўл ҳаракати иштирокчиларининг маданиятини юксалтириш; йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқиш сабаб-шароитлари ва уларнинг профилактикаси; ҳайдовчининг психофизиологик ҳолати. Энг ачинарлиси, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича назарий ва амалий дарс соатлари етарли бўлмаганлиги туфайли, ўз навбатида ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидалари бўйича билимларни мукамал эгаллаши ҳамда амалиётда тўғри қўллашига салбий таъсир кўрсатиб келган.

Табийки, бундай ҳолат автомактаб тингловчиларда ҳайдовчилик маҳорати бўйича кўникмаларнинг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади ва охир оқибат йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. [7]

Хулоса сифатида ишонч билан айтишимиз мумкин, автомактабларнинг ўқув дастурлари мазмун ва ҳажмини халқаро тажрибалар асосида қайта кўриб чиқиб, замонавий инновацион педагогик технологияларга асосланган ҳолда такомиллаштириб, автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишига эришамиз.

## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида
2. 2022 йил 11 февраль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Хавфсиз ва равон йўл” тамойили.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан
4. 2022 йилнинг 4 апрел кунидаги “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-190-сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 172-сонли қарори.
6. Холдаров Ф.Э. (2022). Махсус транспорт воситалар тизимида инновацион интеллектуал ёндашув. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 1), 124-129.
7. Иброҳимов И.Б. (2022). Йул-транспорт ҳодисаларининг таҳлили, келиб чиқиш сабаблари ва ҳозирги кунда олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар. *Siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali*, 1(2), 75-80.
8. Umarbekovich O.F., & Urazimbetovich A.N. (2022). Zamonaviy axborot kommunikatsion texnologiyalardan foydalanib yo'l-transport hodisalarini oldini olish. *barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali*, 2(9), 148-154.
9. WWW.KUN.uz